

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

260 Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2873*

Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 март,
17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
бош директорининг 2017 йил 27 мартдаги
17-сон буйруғига
ИЛОВА

**Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир
гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан
фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг
амал қилиш муддатини узайтириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) мувофиқ товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг (бундан буён матнда гувоҳнома деб юритилади) амал қилиш муддатини узайтириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

2. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

3. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарори билан тасдиқланган Патент божлари ва тўловлари ставкаларида белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

4. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани бериш муддати гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин олти ой мобайнида гувоҳнома эгаси берган илтимосномага биноан, қўшимча патент божини тўлаш шarti билан узайтирилиши мумкин.

**2-боб. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш
тўғрисидаги аризани тақдим этиш**

5. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Агентликка мазкур Қоидаларнинг иловасига мувофиқ шаклда, гувоҳноманинг эгаси ёки гувоҳнома эгасининг ишончномаси билан патент вакили томонидан тақдим этилади.

6. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза гувоҳнома эгаси ёки патент вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан ариза лавозими кўрсатилган ҳолда раҳбар томонидан имзоланади ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

7. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

патент божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат;

патент вакили орқали ариза берилган тақдирда гувоҳнома эгасининг ишончномаси;

товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи хужжат.

Патент божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилмаганда гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишга доир юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар амалга оширилмайди.

8. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган хужжатлар Агентликка бевосита тақдим этилади ёки почта орқали юборилади.

3-боб. Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиш

9. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган хужжатлар Агентликка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

10. Тақдим этилган хужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ келганида гувоҳноманинг амал қилиши муддати узайтирилади.

11. Ушбу Қоидаларнинг 7-бандида назарда тутилган хужжатлар мавжуд бўлмаган ва/ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, гувоҳнома эгасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўғрисида Агентлик томонидан сўров юборилади.

Гувоҳнома эгаси сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида мавжуд бўлмаган хужжатларни ёки нотўғри расмийлаштирилган хужжатлардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда тақдим этиши лозим. Бунда аризани кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши камчиликлари бартараф этилган хужжатлар Агентликка келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

12. Мавжуд бўлмаган хужжатлар ёки нотўғри расмийлаштирилган хужжатлардаги камчиликлар бартараф этилиб, Қоидаларнинг 11-бандида кўрсатилган муддат ичида тақдим этилмаган тақдирда, Агентлик томонидан гувоҳнома эгасига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборилади.

13. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш тўғри-

сидаги билдиришнома устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

14. Аризани қаноатлантириш рад этилган тақдирда гувоҳнома эгаси гувоҳноманинг амал қилиш муддати ёки мазкур Қоидаларнинг 4-бандида назарда тутилган муддат ўтмаган бўлса, Агентлик билдиришномасида назарда тутилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, қўшимча патент божи тўла-масдан такроран гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза тақдим этиши мумкин. Бунда мазкур Қоидаларнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва/ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, Агентлик томонидан сўров юборилмаган ҳолда аризани қаноатлантириш рад этилади.

15. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва мазкур Қоидаларнинг 4-бандида назарда тутилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилиши муддати узайтирилмайди. Мазкур ҳолатда Қонунда белгиланган тартибда товар белгисини ва хизмат кўрсатиш белгисини ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш умумий асосларда амалга оширилади.

16. Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги маълумотлар Товар белгилари давлат реестрига ёки Товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрига киритилади ва Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

17. Гувоҳноманинг амал қилиши муддати узайтирилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Агентлик гувоҳнома эгасига уч кун ичида «Гувоҳномага илова»ни юборади.

4-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

15 (775)-сон

— 209 —

260-модда

Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлигига

_____ (Ф.И.О., ёки юридик шахснинг номи)

Манзил: _____
Телефон: _____

АРИЗА

— товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир

— товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги

_____ — рақамли гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириб беришингизни сўрайман.

Илова қилинаётган ҳужжатлар: *(кераклиси [X] билан қайд этилсин)*

— гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс мазкур жўғрофий объектда эканлигини ва гувоҳномада кўрсатилган хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— гувоҳнома эгасининг ишончномаси*.

Гувоҳнома эгаси
(ёки патент вакили)

_____ (Ф.И.О., ёки юридик шахс раҳбарининг Ф.И.О.) _____ (имзо)

Сана _____

(М.Ў.) *(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)*

* Гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза патент вакили томонидан тақдим этилганда.